



# МЧЖ "XB FINANSE KONSULTING"

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

## «CHINOZ PAXTA TOZALASH»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

2016 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا

Ижобий фикр билдирилган

## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

*Акциядорлик компанияси таъсисчилари ва раҳбариятига*

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот**

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти.**

Ўзбекистон Республикаси. Ташкент шаҳри, Миробод туман, А.Темур кўчаси 15 уй.

телефон: (8371) 233-02-10, 233-02-04.

email: XB.Finanse-konsulting@mail.ru

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 1018. 11.05.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириуви"ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серия АФ № 000676. 15.05. 2008 йилда берилган.

Хисоб рақами: 2020 8000 7044 0871 2001. АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Тошкент шаҳар хисоб китоб филиали, МФО: 00424, СТИР: 205 666 530, ХХТУТ 84400.

Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил декабрь кунини берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.

**Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот**

**«Chinoz paxta tozalash» акциядорлик жамияти**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти Чиноз шаҳри, Охунбобоев кучаси №-1-уй. Телефон: 59-32-376

Тошкент вилояти, Чиноз туман Хокимлиги Ягона Дарча марказида 2016 йил 22 августдаги № 227-сонли гувоҳномаси.

Хисоб рақами Х/р 20210000200131902001, ОАТБ Агробанк Чиноз булими, МФО:00476

СТИР: 200453372, ХХТУТ: 17111.

Жамият бош директори: Бойкобилов Акмал Саломович

Молиявий масалалар бўйича директор: Исмаилов Сирожиддин Исокович

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2013 йил декабрь куни берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати» ва аудиторлик ташкилоти билан «Chinoz paxta tozalash» акциядорлик жамияти ўртасида 19.08.2016 йилда тузилган 10/01-сонли шартномага асосан «Chinoz paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг 01.01.2016 йилдан 31.12.2016 йилгача бўлган даври учун тузилган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2, «Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот» - 4-шакл, «Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот» - 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Chinoz paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Chinoz paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари



З.З.Эгамбердиев.

Хулоса тузилган сана: 30.04.2017 й.

